

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВА ФЕРУЗА АХМАДЖОНОВНА

**ГЕКСЕН ИЗОМЕРЛАРИ АСОСИДА КИСЛОРОДЛИ ВА АЗОТЛИ
БИРИКМАЛАР ОЛИШ**

02.00.14 – Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2018 йил

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Махмудова Феруза Ахмаджоновна

Гексен изомерлари асосида
кислородли ва азотли бирикмалар олиш 3

Махмудова Феруза Ахмаджановна

Получение кислород-, и азотсодержащих
соединений на основе изомеров гексена..... 21

Makhmudova Feruza Akhmadjanovna

Obtaining of oxygen- and nitrogen
containing compounds based on hexene isomers..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВА ФЕРУЗА АХМАДЖОНОВНА

**ГЕКСЕН ИЗОМЕРЛАРИ АСОСИДА КИСЛОРОДЛИ ВА АЗОТЛИ
БИРИКМАЛАР ОЛИШ**

02.00.14 – Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/K57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Максумова Ойтўра Ситдиқовна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Магруппов Фарход Асадуллаевич
кимё фанлари доктори, профессор

Рафиков Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг «___»_____ 2018 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

Г. Раҳмонбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида табиий газни қайта ишлаш билан олефин углеводородлари ва полимер маҳсулотлари олиш, кислород- ва азот сақловчи бирикмалар ишлаб чиқариш ва улар асосида лок-бўёқ материаллари, фармацевтика препаратлари, сирт-фаол моддалар ва пластмасса саноати учун мономерлар ишлаб чиқариш ташкил этилган. Шу сабабли суюқ олефинларни қайта ишлаш билан амалий жиҳатдан фойдали хоссаларга эга бўлган функционал-фаол моддаларни олиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда суюқ олефинлар асосида органик синтезнинг муҳим ва ярим тайёр маҳсулотлари–эритувчилар, мономерлар, присадкалар, пластификаторлар, сирт-фаол моддалар олиш ва уларни кимё, фармацевтика, нефть кимёси, энгил саноат, автомобил қурилиши ва шу каби соҳаларда қўлланилишига катта эътибор қаратилган. Суюқ олефинлар асосида маҳсулотларни гидрокарбоксиллаш, гидроформиллаш (Реппе реакцияси), карбониллаш, сулфирлаш, аминлаш, этерификация ва бошқа реакциялар билан олиш усуллари яратиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда газ-кимё саноатига алоҳида эътибор қаратила бошланди ва шу боис иккита йирик корхоналар – Шўртон ва Сурғул газ-кимё мажмуалари қурилган бўлиб, улар янги технология бўйича этиленни юқори самарадорлик билан ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан: алтернатив, маҳаллий хомашё манбаи бўлган суюқ олефинлар асосида органик синтез маҳсулотлари ишлаб чиқариш усуллари яратишга, олинган маҳсулотларнинг структурасини, физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини янада кучайтириш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, ҳизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарорлари ва фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон қарори

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўйинмаган кислородли ва азотли бирикмалар олиш бўйича Р.Лангер, М.Герхард, З.Эрхард, В.И.Жуков, Ю.И.Саушкин, У.М.Джемилев, И.М.Письман, В.М.Макаров, А.Г.Ибрагимов, J.H.Sherman, М.Н.Шеманаев, А.G.Sudzucker, Д.Н.Борисов, П.С.Фахретдинов, Р.В.Кунакова, В.П.Волков, Г.В.Романов, Ю.И.Кузнецова, А.К.Микитаев, Г.А.Смоляков, А.М.Газалиев, Г.А.Ташбаев, М.А.Асқаров, А.Т.Джалилов, С.Ш.Рашидова, С.М.Туробжонов, Ф.А.Магруппов, А.С.Максумовава бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан кислород- ва азот сақловчи бир қатор бирикмаларни ишлаб чиқариш; моддаларнинг реакцион қобилияти ва стереокимёвий йўналишини белгилаб берувчи омилларни ўрганиш; олинган маҳсулотларни кимё; пластмасса; тўқимачилик ва лок-бўёқ саноатларида; фармацевтикада, қишлоқ хўжалигида ва техникада қўллаш учун тавсия этилган.

Шу билан бирга олефин углеводородлари асосида тўйинган ва тўйинмаган бир атомли спиртлар; мураккаб эфирлар; тўртламчи аммоний тузлари каби органик синтез саноати учун муҳим бўлган бирикмаларни синтези ва уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан нефть-газ саноатида коррозияга қарши ингибиторлар ҳамда мойларни қовушқоқлик индексини оширувчи қўшимчалар сифатида қўллаш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида А12-75 «Терига ишлов бериш учун биологик фаол препаратлар яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) ва Ф7-04 «Шўртон газ-кимё комплексининг оралиқ маҳсулотлари (суяқ олефинлар) асосида функционал фаол бирикмаларнинг структура ва хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва қонуниятларини аниқлаш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гексен изомерлари асосида кислород- ва азот сақловчи бирикмаларни олиш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шўртон газ-кимё мажмуасининг гексен фракцияларини ажратиш йўли билан индивидуал олефинларни олиш;

олинган олефинлар асосида тўйинмаган бир атомли спиртлар олиш жараёнларини ўрганиш;

изогексилмонохлорацетатлар синтези ва уларнинг учламчи аминлар билан кватернизация реакцияларини ўрганиш;

гексенларни акрил кислота билан этерификация реакцияларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

C₆ олефинларни сирка кислота билан этерификация реакцияси асосида тўйинган мураккаб эфирлар олиш жараёнини аниқлаш;

олинган органик маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва амалий хоссаларини ўрганиш;

гексен изомерлари асосида кислородли ва азотли бирикмалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Шўртон газ-кимё мажмуасининг C₆ фракцияси, гексен-1, 2-метил-1-пентен, 2-этил-1-бутен, 2-этил-1-пентен, 3-метил-2-пентен (цис), чумоли альдегиди (формальдегид), сирка кислота, акрил кислота ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тўйинмаган спиртлар, тўртламчи аммоний тузлари ва гексен изомерлари билан сирка ва акрил кислоталар асосида мураккаб эфирлар синтези жараёнларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тадқиқотнинг замонавий физик-кимёвий усуллари: ИК-спектроскопик, газ-суюқлик хроматографияси, термоаналитик анализ, ректификация ва бошқалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шўртон газ-кимё мажмуасининг гексен изомерлари таркиби ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

ажратиб олинган индивидуал олефинларнинг формальдегид билан реакцияси асосида тўйинмаган спиртлар олинган;

акрил ва сирка кислоталар асосида янги мураккаб эфирлар олиш жараёнлари, этерификация жараёнига ва ҳосил бўлувчи мураккаб эфирларнинг хусусиятига ҳарорат ва олефинлар табиатининг таъсири аниқланган;

олефин углеводородлари ва монохлорсирка кислота асосида олинган изогексилмонохлорацетатни учламчи аминлар билан кватернизация реакцияси ёрдамида тўртламчи аммоний тузларининг олиниш жараёни аниқланган;

олинган маҳсулотлар коррозияга қарши ингибиторлар ва мойларнинг қовушқоқлик индексини оширувчи қўшимчалар сифатида ишлатилиши исботланган;

гексен изомерлари асосида кислородли ва азотли бирикмалар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гексен изомерлари билан акрил кислота асосида мураккаб эфирлар олиш усули ишлаб чиқилди ва уларни нефть мойлари учун қовушқоқлик индексини оширувчи присадка сифатида ишлатилди;

изогексилмонохлорацетат билан триэтиламин асосидаги кватернизация реакцияси ёрдамида тўртламчи аммоний тузлар олиш усуллари ишлаб чиқилди ва уларни коррозия ингибитори сифатида ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти физик-кимёвий (ИК-спектроскопия, газ-суюқлик хроматографияси, термоаналитик анализ, ректификация) ва бошқа тадқиқот усуллари билан ишботланган ва экспериментал маълумотларга статистик ишлов беришда органик синтез жараёнлари кинетика ва термодинамикасининг замонавий назарияларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гексен изомерлари ва формалдегидни конденсация реакцияларини амалга ошириш билан тўйинмаган спиртлар олиш, гексен изомерлари билан тўйинган ва тўйинмаган карбон кислота-ларнинг этерификация реакциялари асосида мураккаб эфирлар олиш усуллари илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гексен изомерлари билан акрил кислота, триэтиламин асосида кислород- ва азот сақловчи бирик-маларни олиш усуллари ишлаб чиқиш, олинган кислородли маҳсулотларни нефть мойлари учун қовушқоқлик индексини оширувчи присадка сифатида, азот сақловчи бирикмаларни эса металлар коррозиясига қарши ингибитор сифатида ишлатишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Гексен изомерлари билан акрил кислотанинг этерификация реакция-лари ёрдамида мураккаб эфирлар олиш усулини ишлаб чиқиш бўйича олин-ган натижалар асосида:

акрил кислота гексил эфирлари олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (№ IAP 05426, 2017й.). Натижада қовушқоқлик индексини оширувчи янги присадка олиш имконини берган;

гексен изомерлари асосида олинган коррозия ингибиторлари «Махам-CHIRCHIQ» АЖда амалиётга жорий этилган («Махам-CHIRCHIQ» АЖнинг 2018 йил 15 августдаги 20-2/227-сон маълумотномаси). Натижада хориждан олиб келинадиган коррозия ингибиторларини 15 % га камайтириш имконини берган;

гексен изомерлари асосида кислородли ва азотли бирикмалар олиш технологияси «Навоиазот» АЖда «2019-2022 йилларда амалиётга жорий этиш режаси»га киритилган («O'zbekimyo sanoat» АЖнинг 2018 йил 5 июндаги 01/3-2349/А-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференция-ларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш, шулардан 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола бўлиб, шу жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ҳамда зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, апробация ва натижаларнинг чоп этилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кислород ва азот сақловчи бирикмалар синтези ва қўлланилишининг ҳозирги замон ҳолати**», деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган, нашр этилган илмий ишлар адабиёт манбаалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг таҳлил натижаларининг шарҳи келтирилган. Биринчи боб тўртта параграфдан ташкил топган. Олефинлар ва улар асосида кислородли бирикмалар олиш усуллари (1 параграф), бир атомли спирлар синтезининг замонавий усуллари (2 параграф), тўртламчи аммонийли бирикмалар синтези ва хоссалари (3 параграф), мураккаб эфирлар синтези, уларнинг кимёвий хоссалари (4 параграф) ва қўлланилишига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Келтирилган илмий адабиётлардаги маълумотларга асосланган ҳолда диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Бошланғич реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари ва маҳсулот олишнинг методлари ва уларни тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи бобида бошланғич реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари ва эксперимент олиб бориш усуллари ҳамда тўйинмаган спиртлар, мураккаб эфирлар ва тўртламчи аммоний тузларини синтез ва тадқиқ қилиш усуллари кўрсатилган. Хусусан, қўшбоғни аниқлаш, аралашмаларни ректификация усули ёрдамида фракцияларга ажратиш, атмосфера босими остида ҳамда вакуумда ҳайдаш, қайта кристаллаш, моддаларнинг зичлиги, суюқланиш ҳарорати, нур синдириш кўрсаткичи ва термик барқарорлигини аниқлаш ҳамда ИҚ-спектроскопик тадқиқ усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Олефинлар асосидаги синтезлар**» деб номланган учинчи бобида гексен изомерларнинг янги кислород- ва азот сақловчи ҳосилаларининг назарий ва экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.

Газ хроматография тадқиқ қилиш усули ёрдамида C₆ фракциялари таркибида чизикли ва тармоқлаган тузилишга эга бўлган олефинлар мавжудлиги аниқланган.

Гексеннинг индивидуал изомерларини олиш мақсадида Шўртон газ-кимё мажмуасининг C₆-фракцияси ректификация усули билан тегишли олефинларга ажратилди (1-жадвал).


Жадвалдан C₆- фракцияси таркибида катта миқдорда гексен-1, 2-метил-1-пентен, 2-этил-1-бутенлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

1-жадвал

Олефинларнинг физик-кимёвий хоссалари

№	Олефиннинг номи	Миқдорий таркиб, %	T _{кай} , °C	n _D ²⁰	d ₄ ²⁰
1.	1-Гексен	21,5	63,5	1,3879	0,6731
2.	2-Гексен (цис)	2,5	69,0	1,3975	0,68720
3.	3-Гексен (цис)	2,0	66,5	1,39480	0,6798
4.	2-метил-1-пентен	40,1	62,0	1,3920	0,6771
5.	3-метил-1-пентен (транс)	2,5	54,2	1,3842	0,6675
6.	3-метил-2-пентен (цис)	3,3	70,2	1,4045	0,6986
7.	2-этил-1-бутен	21,0	65,0	1,3967	0,6896
8.	2-этил-1-пентен	4,7	73,0	1,4657	0,6997
	Қолдиқ	2,4	t > 100	1,485	

Ажратилган олефинларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилган. ИҚ-спектрал тадқиқ қилиш усули билан кўрсатиб ўтилган олефинларнинг структураси, квант-кимёвий тадқиқотлар билан геометрик тузилиши, боғларнинг узунлиги ва валент бурчаклари аниқланди. ИҚ-спектр маълумотларига асосан C₆-фракцияда олефинларнинг уч хил – чизикли, изомерли ва ички қўш боғли турлари борлиги аниқланган:



Олефинлар асосида тўйинмаган спиртлар олиш жараёнини ўрганиш. Экспериментлар асосида C₆-фракциянинг учламчи олефинлари: 2-метил-1-пентен, 2-этил-1-пентен, 3-метил-1-пентен, 3-метил-2-пентенлар Принс реакцияси бўйича катализатор иштирокида формальдегид билан таъсирлашиши натижасида тўйинмаган спиртлар ҳосил бўлиши аниқланган.

Жараённинг оптимал шароитларини аниқлаш мақсадида эритувчининг табиати, катализатор, олефин ва ҳароратнинг реакция маҳсулотларининг унумига таъсири аниқланган. Эритувчилар сифатида 1,4-диоксан ва диэтил эфири, катализаторлар сифатида эса металл галогенидлари: ZnCl₂, CuCl₂ лар танлаб олинди.

Кўрсатилган олефинларнинг формалдегид билан конденсация реакцияларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш учун бир қатор тажрибалар ўтказилган ва эритувчи танланган (2 жадвал).


Тажриба натижаларига кўра олефинларнинг формальдегид билан конденсация реакцияси диэтил эфири иштирокида яхши унум билан кетиши аниқланган.

Спирт ҳосил бўлиш унумига эритувчи табиатининг таъсири, $T=80\text{ }^{\circ}\text{C}$

Модданинг номи	Эритувчининг номи	Спиртнинг ҳосил бўлиш унуми, %
2-метил-1-пентен	Диоксан	63,0
	Диэтил эфири	82,6
2-этил-1-пентен	Диоксан	52,0
	Диэтил эфири	72,5
3-метил-1-пентен	Диоксан	48,7
	Диэтил эфири	65,3
3-метил-2-пентен	Диоксан	36,0
	Диэтил эфири	54,8


Конденсация реакциясида 2-метил-1-пентан мисолида $60-80^{\circ}\text{C}$ да диэтил эфири муҳитида кўрсатилган катализаторларнинг (К) нисбий фаоллиги таққосланган (1 расм).

Экспериментал тадқиқотларга кўра, CuCl_2 энг яхши каталитик фаолликни намоён қилган. Олефин, формальдегид ва катализатор моль нисбатларининг таъсири ўрганилган. Олефин ва формальдегиднинг тенг бўлган эквимоль нисбатларида ва 0,25 моль катализатор иштирокида (1:1:0,25), 14-18 соат давомида тегишли тўйинмаган спиртларнинг унуми атиги 20-30% ни ташкил қилган. Бунда қўшимча маҳсулотларнинг интенсив равишда ҳосил бўлиши кузатилди. Олефинни моль нисбатларини формальдегидга нисбатан ортиши билан реакция маҳсулотларида спиртлар миқдори ортиб борган. Олефинлар миқдорини беш марта кўпайтирилганда, қўшимча маҳсулотларнинг миқдори камайиши ва тўйинмаган спиртларнинг унуми 70-85% гача ортиши кузатилган.



$T=80\text{ }^{\circ}\text{C}$, $[C]=0,25$ моль/л: 1- ZnCl_2 ; 2- CuCl_2

Расм 1. Турли катализаторлар иштирокида 2-метил-1-пентен асосидаги спирт унумини вақтга боғлиқлиги.



Харорат, $^{\circ}\text{C}$: 1-60; 2-70; 3-80; 4-90

Расм 2. Турли хароратларда 2-метил-1-пентен асосидаги спирт унумини вақтга боғлиқлиги.

Тўйинмаган спирт олиш жараёнига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш натижасида конденсация реакцияси ҳароратининг кўтарилиши билан спиртнинг унуми ортиши кузатилган (2 расм). 80°C ҳароратда спиртнинг


Инициатор табиатини полимерланиш реакциясига таъсирини ўрганиш натижасида жараённинг энг самарали катализатори динитрилазобисизомой кислотаси эканлиги аниқланди. Тадқиқотлар мономер концентрациясининг кенг интервалида (0,5-2,0 моль/л) ва 60-80°C ҳароратда олиб борилди. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, мономернинг концентрацияси ва ҳароратнинг ортиши билан полимернинг ҳосил бўлиш унуми ҳам ортади.

Гексен изомерлари билан сирка кислотасининг этерификация жараёнларини ўрганиш. Тўйинган мураккаб эфирларни олиш мақсадида кислотали катализаторлар иштирокида сирка кислотасини олефинлар билан ўзаро таъсирлашиш жараёни қуйидаги схемага мувофиқ ўрганилган:



Тажрибани олиб бориш учун 2-метил-1-пентен, 2-этил-1-пентен, цис-3-метил-2-пентенлар, катализаторлар сифатида эса H_2SO_4 , HCl лардан фойдаланилган.

Маълумки, этерификация реакциясини муваффақиятли амалга ошириш катализаторнинг фаоллигига боғлиқ. Шу боис, кислотали катализаторларнинг нисбий фаоллигини таққослаш учун H_2SO_4 ва HCl иштирокида, 2-метил-1-пентенни этерификация реакцияси тадқиқ қилинган. Тажриба натижаларига кўра, H_2SO_4 юқори каталитик фаолликни намоён қилган бўлса, HCl ўзининг каталитик фаоллигига кўра H_2SO_4 га нисбатан кучсизроқ бўлиши кузатилган. HCl билан реакциянинг нисбатан паст тезлиги унинг кучсиз комплекс ҳосил қилиш қобилияти ва ҳосил бўлган комплекснинг кам электрофиллиги билан тушунтириш мумкин. Сирка кислотанинг олефин билан этерификация реакциясини қуйидаги схема бўйича ифодалаш мумкин:



бу ерда R: $-\text{C}_3\text{H}_7$; R': $-\text{CH}_3$ ёки $-\text{C}_2\text{H}_5$

Синтез қилинган мураккаб эфирларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди (3-жадвал).




3- жадвал

Синтез қилинган мураккаб эфирларнинг физик-кимёвий хоссалари

№	Мураккаб эфирнинг номи	Брутто формула	$T_{\text{кай}}, ^\circ\text{C}$	Нур синдириш кўрсаткичи, n_{D}^{20}	Зичлик, d^{20}	Унум, %
1.	1,1-диметил бутил пропил этаноат	$\text{C}_8\text{H}_{16}\text{O}_2$	96	1,3798	0,8664	69
2.	1-метил-1-этил бутил этаноат	$\text{C}_9\text{H}_{18}\text{O}_2$	98	1,38829	0,8712	84
3.	1-метил 1-этил пропил этаноат	$\text{C}_8\text{H}_{16}\text{O}_2$	94	1,356	0,8646	68

Олефинлар асосида тўртламчи аммоний бирикмалар синтези.

Экспериментлар асосида тўртламчи аммоний бирикмалар олиш жараёни иккита босқичдан иборат эканлиги: биринчи босқичда олефинларни монохлорсирка кислота билан этерификация реакцияси, иккинчи босқичда синтез қилинган изоалкилмонохлорацетатларни аминобирикмалар билан кватернизация реакциялари содир бўлиши аниқланган. Монохлорсирка кислота билан 2-метил-пентен-1, 3-метил-1-пентен ва 4-метил-2-пентен мисолида, этерификация реакцияларининг биринчи босқичи схемаларини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Кўрсатилган мураккаб эфирларнинг синтези атмосфера босими остида реагентларнинг турли нисбатларида ўтказилди. Олинган маҳсулотларнинг структураси ИҚ-спектрал тадқиқ қилиш усули ёрдамида ўрганилди.


Гексен-1 ва монохлорсирка кислотаси асосида синтез қилинган бирикмаларнинг ИҚ-спектрларининг 3020 ва 3100 cm^{-1} соҳаларида С-Н ва CH_2 - боғларга хос бўлган, 2900 cm^{-1} да CH_3 -га хос бўлган ютилиш чизиқлари кузатилса, 3600 cm^{-1} соҳада хлорсирка кислотадаги карбоксил гуруҳига тегишли кенг спектр мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. 1740-1760 cm^{-1} соҳада С=О гуруҳи, 1120-1180 cm^{-1} да ацил гуруҳининг валент тебранишлари, 1264 cm^{-1} да СО ацетат гуруҳлари, 575 cm^{-1} да С-Cl гуруҳининг ютилиш чизиқлари борлиги аниқланган.

Этерификациянинг оптимал шароитини аниқлаш учун реакциянинг боришига турли омиллар таъсири, яъни мураккаб эфирларнинг унумига олефинлар ва эритувчининг табиати, бошланғич реагентларнинг нисбати ва катализатор миқдорининг таъсири ўрганилган. Изогексилмонохлорацетат унумига катализатор концентрациясининг таъсирини тадқиқ қилиш билан олефин оғирлигига нисбатан ҳисобланганда сульфат кислотанинг оптимал концентрацияси 15% эканлиги аниқланган. Этерификация жараёни гомоген муҳитда эритувчилар иштирокида ўтказилган. Эритувчи сифатида бензол, диметилформаид ва 1,4-диоксанлардан фойдаланилган. Натижаларга кўра, эритувчининг диэлектрик ўтказувчанлигининг ортиши билан реакциянинг тезлиги ва мураккаб эфирнинг ҳосил бўлиш унуми ҳам кўпайиши кузатилган.

Олефинлар билан МХСК этерификациясида эфирга айланиш даражасининг қийматлари ва умумий тезликнинг кўрсатилган гексенлар

табиатига график боғлиқлиги чизикли характерга эга эканлиги ва энг катта тезлик билан маҳсулотнинг унуми реакцияни 2-метил-1-пентен билан олиб борилганда кузатилган.

Иккинчи босқичда синтез қилинган изогексилмонохлорацетатлар билан триэтиламиннинг кватернизация реакциялари ўрганилди. Изогексилмонохлорацетат (ИГМХА) ва триэтиламин (ТЭА) мисолида кватернизация реакциясининг схемаси қуйидагича ифодалаш мумкин:



Синтез қилинган тўртламчи аммоний тузларининг (ТАТ) структураси ИҚ-спектроскопик ва элемент таҳлили маълумотлари билан исботланган. Аниқлаган элементлар таркиби назарий ҳисобланган таркибга мос бўлган ўхшашликни бериши аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал

Синтез қилинган тузларнинг элемент таркиби

№	Брутто формуласи	Элемент таркиби									
		ҳисобланган					аниқланган				
		С	Н	Н	Cl	О	С	Н	Н	Cl	О
1.	C ₁₄ H ₃₀ NO ₂ Cl	60.1	10.7	5	12.7	11.5	60	10.8	5.1	12.5	11.6
2.	C ₁₄ H ₃₀ NO ₂ Cl	60.1	10.7	5	12.7	11.5	59.9	10.6	5.3	12.6	11.6

Бошланғич реагентлар ва олинган маҳсулотларнинг ИҚ-спектрларини таққослаш натижасида $\nu_{(\text{C}-\text{Cl})}$ гуруҳига хос валент тебраниш чизиклари 575 см^{-1} соҳада мавжуд эмаслиги аниқланган. Бу эса, тўртламчи аммонийли бирикмалар ҳосил бўлишидан дарак беради. Шунингдек, $3050-2790 \text{ см}^{-1}$ соҳаларда ютилишнинг кенг интенсив чизиғи пайдо бўлиши ҳам кузатилган, бу эса туз ҳосил бўлишидан дарак берса, $1470-1400 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги ютилиш чизиклари аммоний азоти билан боғланган метилен гуруҳларининг деформацион тебранишлари борлигини кўрсатади. Изогексилмонохлорацетат ва триэтиламин асосидаги кватернизация реакцияларини кинетик қонуниятларини тадқиқ қилиш атмосфера босимида $20-30 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратлар оралиғида, органик эритувчилар муҳитида ўтказилган.

Кватернизация жараёнига турли хил омилларнинг: эритувчи табиати (этанол, пропанол, диметилформамид), ҳарорат ва бошланғич компонентларнинг концентрациялари таъсири ўрганилган.

ИГМХА концентрациясининг ортиши билан ТЭА концентрацияси доимий бўлганда кватернизация реакцияси тезлигининг ортиши ва ИГМХА концентрацияси бўйича реакциянинг бирламчи тартибга эга эканлиги

кўрсатилган. Олинган экспериментал натижалар асосида ва Меншуткин реакциясининг маълум қонуниятларига биноан мазкур реакциянинг тезлиги қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$V = \frac{dx}{dt} = K_M * x * y$$

буерда, K_M –Меншуткин реакцияси константаси; x –ТЭАнинг бошланғич концентрацияси; y –ИГМХА нинг бошланғич концентрацияси.

Юқоридаги тенгламадан Меншуткин реакцияси тезлиги ва константа қийматлари турли хил хароратларда аниқланган (5-жадвал).


5-жадвал

Турли хароратларда аниқланган Меншуткин реакцияси тезлиги ва константалари

T, °C	Компонентларнинг бошланғич нисбатлари, моль/л		$V_M * 10^6$ Моль/л*с	$K_M * 10^6$
	ТЭА	ИГМХА		
20	1,0	1,0	0,61	0,26
20	1,25	1,25	0,96	0,37
20	1,5	1,5	1,22	0,56
20	2,0	2,0	1,65	0,50
30	1,0	1,0	0,45	1,64
30	1,25	1,25	1,20	1,14
30	1,5	1,5	2,42	1,06
30	2,0	2,0	3,5	0,90

Тўртламчи аммонийли тузларнинг унумига ҳарорат таъсирини ўрганиш натижасида кватернизация реакцияси ҳароратининг кўтарилиши билан ТАТ (тўртламчи аммоний тузлари) унумини ортиши ва 30°C да унинг максимал қиймати – 95% га етиши аниқланган.

Синтез қилинган тўртламчи аммоний тузларнинг термоаналитик изланишлари ўтказилган (3-расм).



1-триэтиламин билан изогексилмонохлорацетат; 2-триэтиламин билан 3-метилпентилмонохлорацетат; 3) триэтиламин билан 4-метилпентилмонохлорацетат асосида олинган ТАТ

3-расм. Тўртламчи аммоний тузларининг термограммаси.

Термограммадан 220-240°C да эндотермик минимумлар борлиги кузатилган. Синтез қилинган тўртламчи аммонийли тузларни 160°C ҳароратгача барқарорлиги, 160°C ҳароратда суюқланиши ва намуналарни парчалана бошлаши кузатилади. Натижада 1-намуна 160-250°C ҳарорат оралиғида ўзининг массасини 91,9% гача, 2-намуна 93,7% гача, учинчи намуна эса 80,5% гача йўқотади. Тегишли эндотермик минимумлар 220-230°C ҳароратга мос келади. Массанинг мазкур йўқотилиши CO₂, NH₃, HCl, H₂O каби учувчи компонентлар ҳосил бўлиши ҳисобига содир бўлади, дейиш мумкин.

Олинган кислород ва азот сақловчи бирикмаларни ишлатиш соҳалари. Синтез қилинган тўртламчи аммонийли бирикмаларнинг структурасида азот, гидрофоб алкил ва кислород сақловчи гуруҳларнинг мавжудлиги, уларни коррозия ингибиторлари сифатида қўллаш имконини беради. Металларни коррозиядан ҳимоя қилиш даражасига тўртламчи аммонийли туз концентрациясининг таъсири ўрганилди (6-жадвал).

6-жадвал

Тўртламчи аммонийли тузлар концентрациясини металлар коррозиясидан ҳимоялаш даражасига таъсири

№	Кимёвий формуласи	Ҳимоялаш самараси, %			
		0,25	0,5	1,0	2,0
1.	$\left[\text{CH}_3-\text{CH}_2-\underset{\text{CH}_3}{\underset{ }{\text{CH}}}-\underset{\text{CH}_3}{\underset{ }{\text{CH}}}-\text{O}-\overset{\text{O}}{\parallel}{\text{C}}-\text{CH}_2-\underset{\text{CH}_2-\text{CH}_3}{\underset{ }{\text{N}^+}}-\text{CH}_2-\text{CH}_3 \right] \text{Cl}^-$	20	41	90	96
2.	$\left[\text{CH}_3-\underset{\text{CH}_3}{\underset{ }{\text{CH}}}-\underset{\text{CH}_2-\text{CH}_3}{\underset{ }{\text{CH}}}-\text{O}-\overset{\text{O}}{\parallel}{\text{C}}-\text{CH}_2-\underset{\text{CH}_2-\text{CH}_3}{\underset{ }{\text{N}^+}}-\text{CH}_2-\text{CH}_3 \right] \text{Cl}^-$	23	45	92	93

Металларни коррозияга қарши ҳимоя даражасининг тўртламчи аммонийли тузлари концентрациясига боғлиқлиги 0,25 дан 2,0 мг/л концентрацияларда ҳимоя самарасининг сезиларли ортишини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларига кўра, синтез қилинган тўртламчи аммонийли бирикмаларни металларни коррозиядан самарали ҳимояловчи ингибиторлар сифатида қўллашга тавсия этиш мумкин.


Акрил кислотаси ва 2-метил-1-пентен асосида мураккаб эфирнинг полимерлари И-40 мойи учун қовушқоқлик индексини оширувчи присадка сифатида синалган. Тажрибалар «BASISOIL»МЧЖ қошидаги ёқилғи-мойлаш материаллари лабораториясида ўтказилган (7-жадвал).

Синовлар натижасида полиизогексилакрилат ва И-40 мойи аралашмасини 0,015:1 нисбатларида қовушқоқлик индексини 12% га ортиши ва мойнинг тиниш ҳароратини -20 дан -29°C гача пасайиши кузатиш мумкин.

Маҳсулотни синаш натижалари

№	Кўсаткичлар номи	Синаш усуллари	Синаш кўрсаткичлари	И-40 мой учун	И-40 ва намуна
1	Зичлик, 20 °С, кг/м ³ ,	ГОСТ 3900	886,8	884,3	888
4	Қовушқоқлик индекси	ГОСТ 25371	-	90	108
5	Колориметрдаги ранги, бирлиги ЦНТ,	ГОСТ 20284	3,0	3,0	3,0
6	Чакнаш харорати, °С	ГОСТ 4333	227	227	241
7	Қотиш харорати, °С	ГОСТ 20287,Б	-15	-20	-29

Тўртламчи аммоний тузлар ва мураккаб эфирлар олишнинг принципиал технологик схемаси. Юқорида айтиб ўтилган тадқиқотлар натижасида тўртламчи аммонийли тузлар синтезининг принципиал технологик схемаси таклиф қилинган (4-расм).




1,8-реакторлар, 2-ҳайдаш колоннаси, 3-сув конденсатори; 4,5-қабул қилгичлар; 6-оралик сифим; 7-насос; 9-филтр; 10-ҳайдаш колоннаси; 11-ювиш жихози; 12-вакуумли буғлатгич
4-расм. Тўртламчи аммонийли тузлар олишнинг принципиал технологик схемаси.

Изогексилмонохлорацетатлар синтези аралаштиргичли 1-реакторда ўтказилади. Керакли миқдордаги олефин, диметилформаид (ДМФ), монохлорацетат ва катализатор 1-реакторга солинади ва аралаштирилади. Этерификация жараёни 60°С хароратда 8 соат давомида доимий аралаш-

тириш билан олиб борилади. Реакция тугагандан кейин аралаштирилиш тўхтатилади ва олинган маҳсулот 2-хайдаш колоннасига ўтказилади, у ерда олефин ва диметилформаид регенерацияси ҳайдаш билан амалга оширилади. Олефин ва ДМФА буғлари 3-конденсаторда конденсацияланади ва 4,5-қабул қилгичларга узатилади. Регенерацияланган олефин ва диметилформаид этерификация жараёнига қайтарилади, реакция маҳсулоти – изогексилмонохлорацетат 6-оралиқ сифим ва 7-насос орқали 8-реакторга ўтказилади. У ерда триэтиламин ва эритувчи ҳам юборилади. Кватернизация реакцияси 30°C хароратда 4 соат давом этади. Бунда оқ игнасимон кристаллар ҳосил бўлади. Жараён тугагандан кейин реакция масса 9-фильтр орқали ўтказилади, чўкма ажратиб олинади, эритма эса 10-плёнкали буғлатгичга узатилади. Эритувчи буғлари совутгичда конденсациялангандан сўнг, у кватернизация реакциясига рециклга қайтарилади. Филтрланган оқ кристаллар ацетон билан ювиш учун 11-жихозга ва ундан кейин вакуум-буғлатгичга узатилади. Қуритилган тўртламчи аммонийли тузлар қадоқлашга жўнатилади.

Шунингдек, гексен изомерлари билан акрил кислота асосида мураккаб эфирлар олишнинг принципиал технологик схемаси таклиф қилинди (5-расм).



1-эфиризатор (реактор); 2-хайдаш колоннаси; 3-конденсатор; 4-қайнатгич; 5-совутгич;
6-йиғиш мосламаси

5-расм. Гексен изомерлар билан акрил кислота асосида мураккаб эфирлар олишнинг принципиал технологик схемаси.

Гексен изомерлари билан акрил кислота асосида мураккаб эфирларнинг синтези ички иситгичли аралаштиргичли реакторда олиб борилди. 1-реакторга H^+ шаклдаги КУ-2x8 катализатор, кейин олефин, гидрохинон ҳамда акрил кислота солинади (реагентлар массасига нисбатан 1% гидрохинон). Этерификация жараёни 60°C да 10 соат давомида доимий аралаштириш билан олиб борилади. Синтез тугагандан кейин аралаштириш тўхтатилади ва реакция масса 2-хайдаш колоннасига узатилади. Колоннанинг юқори қисмидан реакцияга киришмаган олефин ва акрил

кислота буглари трубалараро бўшлиғига совутиш суви бериладиган 3-конденсаторга узатилади. Ҳосил бўлган конденсатлар реакторга қайтарилади. Мураккаб эфир ҳайдаш колоннасининг қуйи қисмидан дроссель вентил орқали 5-совутгичга юборилади. Совутилган мураккаб эфир 6-йиғичга йиғилади ва кадоқлашга юборилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Шўртон газ-кимё мажмуаси C_6 фракциясини ректификация усули ёрдамида ажратиш билан унинг кимёвий таркибида чизикли, тармоқланган тузилишли олефинлар мавжудлиги билан изохланади.

2. Ажратиб олинган олефин изомерларини формальдегид билан ўзаро таъсирлашуви асосида тўйинмаган спиртлар олиш жараёни, технологик омилларни конденсация жараёнига таъсири ўрганилди ва реакциянинг оптимал шароити тавсия этилди (олефин ва формалдегиднинг моль нисбатлари–5:1; катализатор– $CuCl_2$; ҳарорат– $60^\circ C$).

3. Акрил ва сирка кислота билан кўрсатилган олефинларни этерификация реакциясига катализатор фаоллигининг таъсири ўрганилиб, сирка кислота асосидаги жараёнларда сульфат кислота, акрил кислота асосидаги жараёнларда КУ-2x8 сулфокатионит катализаторлари тавсия этилди.

4. Гексен изомерлари билан монохлорсирка кислота асосида изогексил-монохлорацетат олиш жараёни ўрганилди, ҳамда олинган маҳсулотга триэтиламинни таъсир эттириб тўртламчи аммонийли тузлар олинди. Бошланғич реагентлар ва ҳароратнинг кватернизация реакциясининг тезлигига таъсири ўрганилди. Турли хил ҳароратлар учун Меншуткин реакцияси тезлик константасининг қийматлари аниқланди. $10-30^\circ C$ ҳарорат оралиғида $[TЭА]=[ИГМХА]$ тизими учун Меншуткин реакциясининг фаоллашув энергиясининг қиймати $61,5$ к Дж/моль эканлиги тавсия этилди.

5. Изогексилмонохлорацетатлар билан триэтиламин асосида синтез қилинган тўртламчи аммонийли тузларни кислотали муҳитларда металлларнинг коррозияланиш реакциясини самарали ингибирлаши ва ҳимояланиш даражаси 96% га тенглиги билан изохланади.

6. Гексен изомерлари асосида кислородли ва азотли бирикмалар олишнинг принципиал технологик схемаси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МАХМУДОВА ФЕРУЗА АХМАДЖАНОВНА

**ПОЛУЧЕНИЕ КИСЛОРОД-, И АЗОТСОДЕРЖАЩИХ СОЕДИНЕНИЙ
НА ОСНОВЕ ИЗОМЕРОВ ГЕКСЕНА**

02.00.14 – Технология органических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛАСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/К57.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу www.tkti.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET по адресу www.ziyo.net.uz

Научный консультант:

Максумова Айтура Ситдиковна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Магруппов Фарход Асадуллаевич
доктор химических наук, профессор

Рафиков Адхам Салимович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Химико-фармацевтический научно-исследовательский институт Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в «___» часов на заседании научного совета _____ при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20; e-mail: tkti_info@mail.ru.

Докторская диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № _____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. Навои, 32.Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2018 г.).

С.М.Туробжонов

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

А.С.Ибодуллаев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Г.Р.Рахмонбердиев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе путём переработки природного газа создано получение олефиновых углеводородов, полимерных продуктов, кислород- и азот-содержащих соединений и производство на их основе лакокрасочных материалов, фармацевтических препаратов, поверхностно-активных веществ и мономеры для пластмассовой промышленности. В связи с этим, путем переработки жидких олефинов получение функционально-активных веществ, обладающих практически полезными свойствами, остаётся одной из актуальных задач органического синтеза.

В мире уделяется большое внимание получению важных и промежуточных продуктов органического синтеза на основе жидких олефинов – растворителей, мономеров, присадок, пластификаторов, поверхностно-активных веществ и их применению в таких отраслях как химия, фармацевтика, нефтехимия, легкая промышленность, автомобилестроение и др. Ведутся научные исследования по созданию способов получения продуктов гидрокарбоксилированием, гидроформилированием (реакция Реппе), карбонилированием, сульфированием, аминированием, этерификацией и другими реакциями на основе жидких олефинов.

В последние годы в нашей республике уделяется особое внимание газо-химической промышленности и по этой причине были созданы два крупнейших предприятия – Шуртанский и Сургульский газо-химические комплексы, которые по новой технологии и с высокой эффективностью осуществляют процесс производства этилена. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены задачи «модернизации предприятий химической промышленности, технического и технологического обеспечения»². В этом ракурсе, научные исследования, направленные на улучшение структурных, физико-химических, технологических и эксплуатационных свойств полученных продуктов и создание методов производства продуктов органического синтеза на основе жидких олефинов, являющихся источником альтернативного местного сырья в Узбекистане приобретают важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан УП-2698 26 декабря 2016 года «О дальнейшем укреплении Программы локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017 — 2019 годы», УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан», УП-4891 от 6 апреля 2017 года «Критический анализ производства и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации производств направленных на импортозамещение»,

²Указ Президента республики Узбекистан О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947

Постановление от 23 августа 2017 года ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

